

# YOSHILAR OVOZI

Biz ~ kelajak bunyodkorimiz!

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ ИСТИҚБОЛЛИ БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ТАНЛАБ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, юқори малакали бошқарув кадрлари захирасини шакллантиришга ижобий таъсир қўйган Ҳуқуқшунос Академияси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолияти ислоҳ қилинди, шунингдек, Академия ҳузурида мамлакатимизнинг истиқболли ёш мутахассисларини қайта тайёрлаётган ва малакасини оширадиган Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди.

танлаб олиш ва тайёрлаш, уларнинг захирасини шакллантириш тизимини, жумладан, бу борада замонавий ёндашувни ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) тизимида уларнинг касбий малакасини ўзлаштириш бўйича тақозо қилинаётган шартларни аниқлаш шартлидир.

(Давоми 2-саҳифада)

## ОСНИҚ МУЛОҚОТ

### МУАММОЛАР

#### ЭНДИ МУАММО ЭМАС



Куйи Чирчиқ туманидаги 4-бўлаalar мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қахрамон Қуранбаев ёш тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

тадбиркорликни бошлаш ва фаолиятни кенгайтириш учун кредит ва ер олиш, маҳсулотни экспорт қилиш борасида бўлди. Хусусан, "Хўжабоғ" маҳалласида яшовчи Жа-воҳир Авазов балиқчилик билан шуғулланишга етарли маблағи борлиги, аммо ер майдони зарурлигини айтди. "Маданият" маҳалласида яшовчи Ҳабибулла Мухаммадиевнинг ҳам ташвиши шу. "Минг-чинор" маҳалласида истиқомат қилувчи Нилуфар Абдуллаева эса, томорқасида иссиқхона қуриш учун кредит суради. Бу

ва бошқа муаммолар жойида ҳал этилди.

Учрашувда тажрибали ёш ишбилармонлар ҳам фаолиятини кенгайтириш истагини билдирди. Шулардан бири юз бош қорамолга эга Муштарий Мирзабекова бўлиб, у сутни қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш учун ер майдони кераклигини айтди. Тенгдошимизнинг талаби дарҳол қаноатлантирилди.

Олинги учрашувлардан бирида тикувчилик чеҳи очиш учун кредит ва жой сураган Нафиса Каримова фурсатдан фойдаланиб Ёшлар иттифоқига



С.ТУРДИҚУЛОВ

## ЎЗБЕКISTОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ 1 ҚУРУЛТОЙИГА

30  
КУН ҚОЛДИ

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор тумани "Тинчлик" маҳалласида яшовчи ўн беш яшар **Отабек Шаропов** Ёшлар иттифоқининг тавсияномаси асосида ички ишлар органлари профилактик ҳисобидан чиқарилиб, фаол тенгдошлари сафига қайтди.



ИСТЕЪДОДИ  
КАФТДЕК НАМОЁН

2

## DOLZARB MAVZU

### КИТОБСЕВАР ЁШЛАР — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Ўқишдан тўхтаган одам фикрлашдан ҳам тўхтайдми, деган эди донишмандлардан бири. Бугун бу ҳикматнинг нечоғлиқ ҳаётга ҳақиқат эканини атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар мисолида ҳам англаб туришимиз. Китоб тафаккур, маънавият, ахлоқ ва тарбия манбаи экани, унинг инсон камолоти йўлида тутган ўрни ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳождати йўқ.

Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш ва амалий натижага эришишда бир қатор ишлар қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳаёт муттасил ўзгариш ва янгилашиллар замирига қурилган. Шу маънода одамлар тафаккуридаги ўзгаришлар ҳамда ҳаётнинг талаб бу соҳадаги ишларни яна қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши ва 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори халқимиз, айниқса,

Китоб, мутолаа ва гаалаба

Китобни ишонч билан, севиб ўқиш керак. Амир Темури бобомизнинг зиёлиларни астойдил қўллаб-қувватлаши, илмини қадрлаши, бир неча баробар кам сонали қўшини билан рақиблари устидан ғалабаларини эсланг...

Китобни содиқ дўст, деб билган машҳур сиёсатчи ва давлат арбоби Уинстон Черчиллг Англиянинг ҳарбий жараёнларини бошқариш беририлганда, у гарчанд бу соҳада тажрибаси йўқ бўлишига қарамастан ишонч билан: "Бутун ҳаётим давомида мен мана шу ишга тайёргарлик қурганман ва сўзсиз гаалаба қозонаман", — деб бошлаган ва катта ғалабаларга эришган.

Хулоса ойдим. Барча муваффақиятлар замирида билим ва тафаккур қудрати жамланган.

(Давоми 3-саҳифада)

## БОЛА ҲИМОЯСИ — ДУНЁНИ ЁМОНЛИК ДАН АСРАШДИР

Бекатдаги айрим йўловчилар соя излаб ўзини пананага урган, бошқалар шаҳардан ташқарига қатнайдиغان автобус келишини кўтиб йўлга қўз тикмоқда. Ниҳоят кўтилган улов кўриниш бериб. Йўловчилар парвозга шайланган қадаргочдек қўлларини ёйиб, транспорт эшигига ёпишди. Бир-бирини нари суриб, олинги интилади. Уловада келган йўловчилар эса, одамлар орасидан зўрға сиқилиб ўтаркан, барини маданиятсизликка айблайдми. Кетарманлар эса, кўнгилчанглик қилиб ёнидагисига йўл бераверса кўеш тигида анчагача қўлиб кетишини билдиб, бу эътирозга парво қилмайдми.

кўрс тутушимиз мумкин. Аммо болани кўрганда бундай қилолмаймиз. Аждадларнинг бола ёнида кўпол гапирмаслик ва ноҳўй хатти-ҳаракат қилмаслик керак, деган ўғитига оғишмай амал қиламиз. Бундай таомил қон-қонимизга сингиб кетган — тамом-вассалом!

Боболар ўғитида ҳикмат кўп. Ахир, бола мисли ойнадир. Унинг қаршисида ўзингизни қандай тутсангиз, у ҳам сизга шундай жавоб қайтаради. Буни теран англаган аждадларимиз гўдак олдмида фақат яхши амаллар бажариб, ширинсўз бўлмоқча қачирган. Халқимиз шу йўсин келажак авлодни ёмон хулқдан асраган.

бола нигоҳи дунё ташвишларидан холи, булоқ сувидек покиза ва тиниқ кўнгида самимий туйғулар ҳукмрон. Фақат ўғина сизни бетаяма севишга қоидир. Шу боис яхши инсонлар ҳақида сўз кетганда: "Болалигини асраб қолган", — деган таъриф қўланилади.

Шулар ҳақида уйлар эканман, Яратган синовларни енгиб ўта олишимиз учун бизга болаликни, болаларни инъом этган булса керак, деган ҳаёлга бораман. Ахир, яшашдан тўйган, яхшиликлардан умидини ўзган инсон ҳам гўдак нигоҳига қоқиб ўзида куч топади. Кўнгида эртанги кунга умид уйғонади. Дарҳақиқат, болалар бизни изтироблардан ҳимоя этади.

От хавфини сезиб тўхтади. Эгарда утирган нуруний дарё соҳилидаги тўқайзорни кўздан кеңирди. Шу пайт рўпарода она йўлбарс пайдо бўлади. От турган

жойида тошдек қотди. Нуруний киприк ҳам қоқмасдан йўлбарсга термулди. Бир муддат она йўлбарс одамга қараб турди-ю, сўнг ялингандек гингишиб ортга буррилиб жўнади. У икки қадам ташлаб яна нурунийга қаради. Нуруний она йўлбарс ундан нажот кутаётганини ҳис этиб отга қамчи урди. Йўлбарснинг ёмон нияти йўқлигини алақачон сезган от унинг ортидан юрди. Бир пайт тўқайзор оралаб бораётган она йўлбарс ўт-ўланлар орасида ётган боласига ишора қилиб, яна мунгли овоз чиқарадики нари кетди. Йўлбарс боласига синчиклаб қараган нуруний унга кумурсқа озор бераётганини кўрди. Отаҳон отдан тушиб жониворга ёрдам беради ва тепаликка чиқариб қўяди. Шу тариқа она йўлбарс ўша нурунийнинг дўстига айланади. У олис сафарга ёки овга чиққанда ҳам ёнида юрарди. Шу тариқа йўлбарс нурунийни бир неча бор йиртиқлар ҳужумидан асраб қолган.

Мазкур воқеани эсласам, кўз олдимга она йўлбарснинг мунгли нигоҳи келади. У ўлжа деб билган одамга бу сафар нажоткор сифатида боқди ва боласига қилинган яхшилик учун бир умр инсон хизматида қолди.

Юз йил аввал юз берган бу

Боборован  
ҲОЗИДДИНОВ

## ТАЖРИБАНГ БОРМИ, ЎРТОҚЛАШ!

Бўстонлик туманидаги Ёшлар оромгоҳида Иттифоқ тизимидаги репортёрлар учун медиа-тренинг ташкил этилди.

Ёш қаламқашларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшларга онд давлат сиёсатини ёритишда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида амалга оширилган лойиҳада Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашларининг матбуот котиблари ҳамда журналистикага қизиқувчи 150 нафар ўғил-қиз иштирок этиди.

Биринчи кунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қахрамон Қуранбаев ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказиб, уларнинг муаммо ва қизиқишлари, орау-истакларига қўлоқ тутди. Иштирокчиларнинг барча саволларига жавоб берди.

Медиа-тренинг давомида



ёш репортёрлар учун таниқли журналист ва блогерлар томонидан жамоатчиликка ахборот узатиш технологияси, интернет макони хусусан, ижтимоий тармоқларда Иттифоқнинг имижини яратиш, нутқ маданияти ва нотиклик санъати бўйича маҳорат дарслари ўтиди. Ёшлар иттифоқи муассасидаги нашрларнинг ижодий ходимлари билан мулоқот асносида ҳам улар қўллаб-қувватлаш маълумотларга эга бўлди.

Медиа-тренинг иштирокчилари соҳага онд билим ва маҳоратини мустаҳкамлаш баробарида ижодий салоҳиятини ҳам намоёйш этиди. Машғулотлар оралигида турли маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Яқинда фаол иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Мироншоҳ  
ЭРКИНОВ

## BELLASHUV

### ИККИ СОАТДА РОБОТ ТАЙЁР

Пойтахтимизда "Robo challenge — 2018" танлови бўлиб ўтди



3-саҳифага қаранг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ИСТИҚБОЛЛИ БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ТАНЛАБ ОЛИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

2. Қуйидагилар:  
Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича "Тараққиёт" республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ;

Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича "Тараққиёт" республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансин:  
танловда таянч олий маълумотга ва тегишли соҳада раҳбарлик лавозимига камидан уч йил иш тажрибасига эга, 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган (45 ёш ҳам қўшилган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин;

Республика комиссияси танловнинг ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни вазирилик ва идоралар, бошқа давлат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, етакчи олим ва мутахассисларни, жумладан, хорижий олим ва мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда – Академия) Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

танловнинг ҳолисона ва шаффоф ўтказилиши, шунингдек, номзодларнинг сифати ва ҳолисона танлаб олиниши, қўйилмаган талабларга уларнинг мувофиқлиги учун жавобгарлик Республика комиссияси зиммасига юкланади.

4. Белгилаб қўйилсинки:  
давлат ташкилотларида меҳнат қилаётган иштирокчиларнинг танловда иштирок этиш даврида уларнинг эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади;

танлов ғолибларига энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорда, финал босқичининг қолган иштирокчиларига эса – энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдорда бир марталик пул мукофоти тўланади. Бунда танлов финал босқичининг қолган иштирокчилари тегишли соҳанинг бошқарув кадрлари захирасига киритилади;

танлов ғолиблари Академия ҳамда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази базасида тегишли соҳага оид вазириликлар, идоралар, йирик компаниялар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий юрети малакали мутахассислар ҳамда олимлар иштирокчиликда қатнашиши, ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида танловнинг тегишли номинациялари юзасидан стажировка ўтатиш ўз ичига оладиган "Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури"га мувофиқ уч ойлик курсларда ўқийдилар;

танлов ғолиблари "Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури"га мувофиқ уч ойлик курсларни ўтагандан кейин тегишли йўналишлар бўйича давлат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларига тайинланади; танлов ғолибларини тегишли раҳбарлик лавозимларига тайинлаш юзасидан чора-тадбирларини кўриш, шунингдек, бошқарув кадрлари захирасига киритилган финал босқичи иштирокчиларининг фаолиятини кейинчалик уларни хизмат бўйича кўтариш ёки раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун мониторинг қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг умумий мувофиқлаштируви остида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Академия билан бирга икки ой муддатда:

талабдорларни рўйхатдан ўтказиш, иштирокчиларнинг сўровномаларини кўриб чиқиш, тест ва бошқа танлов синовларини ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижаларини таҳлил этиш имкониятларига эга бўлган танловнинг махсус веб-порталини яратиши;

ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Республика комиссияси ишчи органини танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур аппарат-дастурий комплекслар билан жиҳозлашни таъминласин.

6. Қуйидагилар танловни ўтказишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

танлов ўтказишни ташкил этиш қисмида – Академияга харажатлар сметаси бўйича ажратилмаган бюджет маблағлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳимийлик маблағлари, халқаро молия институтларининг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

танлов ғолиблари учун "Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури"га мувофиқ уч ойлик курсларни ўтказиш қисмида – Академияга харажатлар сметаси бўйича ажратилмаган бюджет маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига ажратилмаган маблағлар;

танлов ғолиблари ва финал босқичи иштирокчиларига бир марталик пул мукофотини тўлаш қисмида – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

танлов ғолибларининг ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида тегишли номинациялар бўйича стажировка ўтатиш қисмида – Инновацион ривожланиш ва новаторлик қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари,

халқаро молия институтларининг грантлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳимийлик маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

танловнинг махсус веб-порталини яратиш, ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Республика комиссияси ишчи органини танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур аппарат-дастурий комплекслар билан жиҳозлаш қисмида – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Академия билан бирга икки ой муддатда:

танлов ўтказилиши устида жамоатчилик мониторингини амалга ошириш ва уни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши;

танлов якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларнинг давлат, рус ва инглиз тилларида тайёрланиши ва эълон қилиниши, шунингдек, кенг тарқатилишини таъминлаш тавсия этилсин.

8. "Тараққиёт стратегияси" марказига:

танлов ўтказилиши устида жамоатчилик мониторингини амалга ошириш ва уни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши;

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2018 йил 30 май

ТАҲЛИЛГА ЎРИН БОР

Пойтахтимизда "Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари" мавзуда VI илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳанинг таниқли вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди. Унда сўнгги йилларда миллий журналистика ривожини йўлида амалга оширилган ислохотлар хусусида сўз юритилди. Аиниқса, 2018 йилнинг 24 майда қабул қилинган Президентнинг "Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил

этиш тўғрисида"ги қарори малакали, замон талабларига мос журналист кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлақонли қондиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Конференция давомида оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳаёдаги ўрни, интернет-журналистика ривожини йўлида амалга оширилган ислохотлар хусусида сўз юритилди. Аиниқса, 2018 йилнинг 24 майда қабул қилинган Президентнинг "Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил

ИСТЕЪДОДИ  
КАФТДЕК НАМОЁН



Дирабо НУРИДИНОВА

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида маҳаллий тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг кўргазмаси ташкил этилди.



Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши, Ёш фермерлар кенгаши бўлиниши ва "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳада 50 нафарга яқин истеъод соҳибини ўйламай татиб ёки фойдаланиб кўришга мўйил бўлади. Дунёдаги барча мамлакатлар аҳолиси сингари Ўзбекистонда ҳам зарарли одатга берилган, бунинг зиён-заҳматини тортаётган фуқаролар йўқ эмас. Бу иллатнинг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан кенг қўллами ишлар амалга оширилмоқда.

Ишон кўп нарсага қодир. Баъзан у ўзи яратган иштирога қарам бўлиб қолади. Аммо ирода мустаҳкам бўлса, ҳар қандай зарарли иллатдан қўтулиш мумкин.



TENGDOSH-TENGDOSHGA

ИШИ ЮРИШДИ



Бир ой аввал Ёшлар иттифоқининг Когон шаҳар кенгаши томонидан Азим Раимовга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун Аму-Бухоро машина каналини ишлатиш вилоятлараро бошқармаси ҳисобиданги оғирхона ноъл қийматда берилган эди.

Зарнигор НАФИДИНОВА

Ҳозир тенгдошимиз бу ерда бетон гишт ишлаб чиқармоқда. Оиласи ва жамиятга наф келтириш баробарида икки нафар тенгдошим ҳам иш билан таъминланган. — Кунгилмаги-дек иш толганимдан хурсандман, — дейди Азиз Шеретков. — Энди меҳнат қилиб, рўзгорга улуш қўшишим мумкин. Ўзим учун кўплаб янги нарсаларни ҳам ўрганипман. Келажакда шахсий бизнесимни очишни ният қилдим.

IMKONIYAT

АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

Акбаржон АБДУРАИМОВ

Жорий йилда қишлоқ аҳолиси учун 22 мингдан орტიқ янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Таъкидлаш керак, Президентимизнинг "2017 – 2021 йилларда қишлоқ жойларида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарорига муво-

фиқ, қишлоқ жойларида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида уч типдаги ҳўжалик иморатлари ва обод ҳовлилар барпо этилмоқда. Албатта, уйлارнинг нархи одамларимиз эҳти-

ёжи ва тақлифларидан келиб чиқиб белгиланган. Масалан, биринчи типдаги икки сотихли, икки хонали уй баҳоси — 110 миллион сўм. Харидор унинг 15 фоизини бошланғич бадал сифатида тўлайди. Қолган қисмини банкдан олинмаган имтиёзга, яъни йиллик 7 фоиз ставкали кредит асосида йигирма йилгача тўлаш мумкин.

Арзон уй-жойларни олмақчи бўлган оилалар тўман ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссияга тегишли ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

бўйича қонун қабул қилган. Таълим ва тиббиёт муассасалари чекиш тақиқланган жойлар ичида энг кенг тарқалгани. Бироқ баъзи мамлакатларда тиббиёт муассасаларида чекиш тақиқланмаган.

Ёшлар ўртасида тобора кенг тарқалиб бораётган чилим, электрон сигаретлар зарари ҳам эмас, балки оқордири.

Психологик ва тиббий таҳлиллар шуни кўрсатадики, инсон ўз ақли билан ихтиро қилинган иллатнинг олдини олиш мақсадида баъзан атайлаб, гоҳида эса оқибатини ўйламай татиб ёки фойдаланиб кўришга мўйил бўлади. Дунёдаги барча мамлакатлар аҳолиси сингари Ўзбекистонда ҳам зарарли одатга берилган, бунинг зиён-заҳматини тортаётган фуқаролар йўқ эмас. Бу иллатнинг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан кенг қўллами ишлар амалга оширилмоқда.

Ишон кўп нарсага қодир. Баъзан у ўзи яратган иштирога қарам бўлиб қолади. Аммо ирода мустаҳкам бўлса, ҳар қандай зарарли иллатдан қўтулиш мумкин.

31-MAY — XALQARO KASHANDALIKKA QARSHI KURASHISH KUNI

ТАМАКИ ТУТУНИДАН МИНГЛАБ  
ОДАМЛАР ҲАЛОҚ БЎЛМОҚДА

Моҳиғул ҚОСИМОВА,  
ЎЗА муҳбири

Бекатда турибман. Бир-икки қадам наридаги чамаси ўттиз ёшлар атрофидаги йигит чўнтагидан сигарет олиб, чека бошлади. Димоғимга урилган сигарет ҳидидан ўзимни четга олдим. Ёш боласини қўлидан тутганга тарипорт кутиб турган ҳомиладор аёл ҳам бу ҳолатдан безовталанди...

Илмий тадиқотларда тасдиқланганича, тамаки тутунни таъсирининг хавфсиз даражаси бўлмайди. Айнан тамаки тутунидан заҳарланиб дунё бўйича йилга минглаб одамлар қурбон бўлмоқда. Уларнинг аксарияти аёллар ва болалардир.

Чекувчилар ўзларининг саломатлигига қайғурмас экан, аммо ён-атрофдагилар, аиниқса,

ёш болалар, ҳомиладор аёллар соғлиғига жиддий зарар етказаяётганини, даҳшатлиси бора-бора улар ўлимга сабабчи бўлаётганини билишармикин? Билишса эди!

Мутахассисларнинг таъкидлашича, тамаки тутунини юрак шемик касаллиги ва ўпка саратони каби касалликларни келтириб чиқаради. Бу тутун таъсири остида бўлган болаларда ўткир респиратор касалликлар ривожланиши кузатилади. Яна бир муҳим жиҳат. Тамаки чекиш оила бюджетига ҳам салбий таъсир этади.

— Турли касалликларни келтириб чиқарувчи тамаки тутунини таркибидagi модалларнинг энг хавфлиси никотиндир, — дейди Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори ўринбосари Анвар Шукuroв. — Никотин марказий ва периферик асаб системасига вақтинча қўзғатувчи таъсир кўрсатади, артериал қон босимини оширади, нафасни тезлаштиради. Сурункали чекиш натижасида организм тамакидан кучли заҳарланади, бош оғрийд, оғиз қурийд. Мия фаолиятини яхшилаш мақсадида чекилган нарса кишини ўта чарчатиб қўядиган зарарли иллатга айланади.



Олимлар тамаки чекиш билан сил касаллиги ўртасида бевосита алоқа мавжудлигини аниқлаган. Кашандалар бу касалликка чекчи таъсир кўрсатади, артериал қон босимини оширади, нафасни тезлаштиради. Сурункали чекиш натижасида организм тамакидан кучли заҳарланади, бош оғрийд, оғиз қурийд. Мия фаолиятини яхшилаш мақсадида чекилган нарса кишини ўта чарчатиб қўядиган зарарли иллатга айланади.

## КИТОБСЕВАР ЁШЛАР – МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

(Бошланғич  
1-саҳифада)

### Синергия, синергетик эффект

1+1=5 ёки 8 десангиз, ҳеч ким ишонмайди. Синергетик эффект шундан иборатки, бирорта яхши хабар, воқеа, ҳаракат, қарор, лойиҳа, ҳуллас, барча яхшиликлар жуда тез тарқалади. Тарқалганда ҳам арифметик эмас, геометрик прогрессия билан тарқалади ва кучли синергетик оқибатни келтириб чиқаради. Демак, битта яхшилик кўплай яхшиликларга, хурсандчиликларга сабаб бўлади ва занжир ҳосил қилиб давом этаверади. Буни — синергетик эффект, деб аташади. Синергетик эффект бирлашиб, катта кучга айланади. Мисол учун, битта чўпни ёки ходани синдириш осон, агар иккаласини бирлаштириб, боғлаб синдирамиз, десангиз, 5-8 баробар кўп куч кетади. Ана сизга 1+1=5 ёки 8 маъноси.

Китоб ўқиш ўрнига интернет клубларида бориш кўпайиб кетди. Ралли, отишмалар, дахшати, мазмунсиз фильмлар ва ҳоказо. Интернет клубларида компьютер ўйинлари ўйнаш ёки ундан фойдаланишни бир соатлик нархи 2-3 минг сўмдан 5 минг сўмгача. Ота-оналар шу мазмунсиз интернет клубига кетган 2-3 кунлик маблағга китоб олиб берса яхши бўларди. Шу маънода, бугунги кунда китоб ўқиш ва унга муносабат бир қадам сусайгандек. Чунки ёшлар кўпроқ кино, видео, телевидение, компьютерга берилаётган кетди. Компьютер ҳозирги кунда кўп оилаларда бор. Исталган янгиликлар ахборотларини интернет орқали олиш мумкин. Бир қарашда китоб ўқиш учун вақт сарфлашга ҳождат йўқдек. Аслида, ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки бошқа кўнгилочар томошалар бадий асар ўрнини босмайди. Масалан, "Ўтган кунлар" романи асосида ишланган фильм қанчалик маҳорат билан суратга олинган бўлмасин, Абдулла Қодирий китобининг таъсири, жозибаси бошқача.

Бир мисол келтирамиз: бундан икки йил олдин Америкадаги Гарвард университетига физиолог буйича илмий маъруза ўқишга қаҳришди. Мавлукми, Гарвард университети дунё таълим ва фан рейтингинда етакчи ўрин тутди. Маърузадан кейин университет профессори қайси бўлимларни куришни хоҳлайсиз, экскурсия қиламиз, деб сўради. Мен кутубхонани курсатганини сўрадим. Гарвард университетининг турли фан соҳаларини қамраб олган 80 та кутубхонаси бор экан. Қайси бирига олиб қирайлик, дейишди. Мен энг каттасига, дедим. Университетнинг энг катта умумий кутубхонаси 1000 ўринга мўлжалланган. Кутубхона зали бўйлаб айландик, тушдик бўлиб қолганига қарамай, бирорта буш жой йўқ. Столда компьютер бўлса ҳам, бирорта талаба компьютерга қараганини кўрмадик.

Ҳамма китоб ўқиб, конспект қилиб ўтирибди. Мен ҳеч ким китоблардан фойдаланмайдими, дедим сўрадим. Профессорнинг жавоби бизни ҳайратлантирди: "Компьютер билан уйда, ишхонада ва бошқа жойларда фойдаланишни мумкин, бу ер кутубхона. Кутубхонага талабалар китоб билан ишлаш, ўқиш, зарур манбаларни топиш учун келган", — деди. Китобни севганлиги ва қадрлагани учун Гарвард университети битирувчиларининг 75 нафари Нобель мукофоти соҳиби, дунё миллиардерларининг яри мана шу университетда тахсил олган, айни пайтда дунё

ўз иқтидори ва эришган ютуқлари билан ҳайратга солган кишилар қўлида, Американинг 45 та Президентидан 12 нафари шу университетни битирган. Бу каби ажабланишарли рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин.

Дарҳақиқат, китоб — буюк устоз! "Тушлик вақтини ўтказиб юбориш мумкин, аммо умрининг энг мазмунли қисmini китоб ўқимасдан ўтказиб юбориш асло мумкин эмас", — деган АҚШ файласуфи Жим Ронн. Биргина китоб киши ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин. Бахт — миллионлаб китоблар ичида руҳингизга мос китобни топа билишда. Шунинг учун ҳам ҳаётда ўз китобингизни топмагунча, асло тиниб-тинчинанг, тасла бўлманг.

### Мутолаа учун вақт топиш керак. Бу — илм асоси

Атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар, шу жумладан, китоб мазмунини ва барча бўлимлар ҳам инсон миёси орқали қабул қилинади. Миё 15 ёшгача ўсади. Инсон 5 ёшгача таълим муҳит ахборотларининг 70-80 фоизини олиб бўлади.

Демак, 3-4 ёшга келиб инсон миёси физиологик жиҳатдан ўқишга, ҳарфларни жамлашга тайёр бўлади. Миёнинг мана шу физиологик хусусияти ҳисобга олинган ҳолда баъзи мамлакатларда 5-6 ёшдан, айримларида эса, 7 ёшдан 1-синфга қабул бошланади.

Организмда нерв ҳужайраларининг турдан уч қисми миёда жойлашган. Бу тахминан 14 миллиард нерв ҳужайрасига тўғри келади. Миёнинг катта-кичиклигининг ақлий фаолиятга мутлақо алоқаси йўқ. Шуниси қизиқки, бош миёя ярим шарларидagi нерв ҳужайраларининг 2,5-3 фоизини ақлий фаолият даврида ишлаб туради. Мана, сизга захира. Бош миёяга қанча юклама берилса, албатта, меъри билан, унинг қабул қилиш қобилияти шунча ошиб боради. Инсон миёси тана умумий оғирлигининг 2 фоизи, яъни тахминан 1,4 килограмми ташкил қилади. Миёя кучли компьютерга ўхшайди. У ҳар хил сигналларни қабул қилади — товуш, ҳид, фигуралар каби. Уларни аниқлаш ва туркумларга ажратади, эслаб қолади. Миёянинг эслаб қолиш қобилияти ҳар қандай компьютердан кучли.

Инсон миёси чексиз имкониятларга эга. Битта мисол: Лондон университетининг математика кафедраси талабаси 28 сонияда 13 рақамли сонни 13 рақамли сонга қўлайтириб, аниқ жавоб айтган. Бундай мисоллар жуда кўп. Зеро, ёшликда олинган bilim — тошга ўйилган нақш каби.

Китоблар инсонларга яхши ва муносиб яшашни, қалби пок ва бир-бирига меҳрибон бўлишни, меҳнатни севишни ўргатади. Кўп яхши китоблар ўқиган киши ўзини кучли, ақли, инсонпарвар сезади. Аксинча, китоб ўқимасдан инсон ўзини маданиятчи, маърифатли, деб аташга асло ҳаққи эмас. Қолаверса, китоб ўқиб яхши, равои гапиринчи, чиройли ҳужумлар тузишни ўргатади. Бу каби инсонларни эса, барча ҳурмат қилади ва яхши кўради.

Китоб — энг яқин дўстингиз, унга ишонинг. У керак бўлганда сукут сақлайди, керак бўлса сизга дунё эшигини очиб беради. Инсонлар китоб ўқимай қўйганда, фикрлардан ҳам тўхтайдилар. Ҳаётнинг оғир лаҳзаларида китобга суяншингиз мумкин. Китоб қалбни ёритди, инсоннинг қаддини ростлайди, мустаҳкамлайди, ундаги эзгу ниятларни жонлантиради, ақлни ўткир, юракни энгил қилади.

### Иншо ёзишни тиклаш лозим

Бир тақлим бор. Жонажон мамлакатимизда китобхонликни, китоб ўқишни ривожлантиришнинг энг муҳим таабирларидан бири — бу барча олий ўқув юрталари, коллеж ва лицейларга кириш имтиҳонидан иншо ёзишни тиклашдир. Иншо ёзаётган инсон, албатта, китоб ўқиган, саводхонлиги ҳам юқори даражада бўлиши кераклигини ҳаммаиз тушунамиз. Ахир, яқин ўтмишда ҳаммаиз мактаб битирув имтиҳонларида, олий ўқув юрталарида киришда қандай мавзуда иншо ёганимиз билан фахрланиб юрар эдик-ку. Иншо ёзишни йўқотишгандан кейин, ўзингизга маълум, ўз исм-фамилиясини хато ёздаганлар ҳам пайдо бўлди.

Россияда аҳолининг саводхонлигини ошириш учун барча олий ўқув юрталарида кириш учун давлат имтиҳонларида иншо ёзиш қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, бир неча йиллардан буён мамлакат буйича ягона диктант кунини мавзуда бўлиб, бу кунини ўқувчи, талабадан тортиб то вазирагача иншо ёзади.

АҚШда ҳам мактаб битирувчилари, албатта, битирув ижодий иншонини ёзишади. Ҳар бир штатада иншо ёзиб, совринли ўринларни олган битирувчиларга мукофотлар берилади, рағбатлантирилади. Масалан, 2017 йили Пенсильвания штатининг Питтсбург шаҳридаги "Shady Side Academy" мактабиди ало баҳолашга битирган ватандошимиз Азизжон Йўлдошевнинг ижодий иншоиси мамлакатда совринли ўрин олгани учун у "Мартин Лютер Кинг" мукофотига сазовор бўлди. Айнан шу мукофотга тўғрилай Азизжон Американинг 13 та олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, барчасига грант асосида ва йиллик стипендия билан қабул қилинди.

Университетлар Азизжонга йиллик стипендияни 10 мингдан 30 минг долларгача тақкиф қилди. У Вашингтондаги Америка университетининг бизнес факультетини тандади. Бу Университет жамоаси Азизжонни сўхбатдан ўтказиб, талабалар орасида "лидер" (сардор) унвонини берди. Ҳозир ватандошимиз ҳеч бир қийинчиликсиз 1-курсни ало баҳолаб билан битириб, таътигача чиққан. Мана иншонинг кучи.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бадий асар ўқиган одам ҳаётда ҳам бошқаларнинг ҳис-туйғуларини яхши тушунар экан. Эмори университети олимлари китоб ўқиган инсоннинг ақлий салоҳияти бир неча ой давомида юқори ҳолатда бўлишини исботлади. Тадқиқот муаллифлари китоб ўқиш миёдаги асаб толалари сонини оширишини таъкилламоқда. Статистик маълумотларга кўра, умуман китоб ўқимайдиган инсонларнинг 43 фоизи қашшоқликда яшайди. Саводли инсонлар орасида эса, қашшоқликда яшайдиганлар 4 фоизни ташкил этади. Тадқиқотларда аниқланишича, китоб ўқишни хуш кўрадиган болалар мактабда ҳам аълочи бўлади. Улар грамматикани ҳам, математикани ҳам яхши ўзлаштиради. Демак, китоб доимий ҳамроҳингиз бўлса, ҳаётда асло адашмайсиз. Иншо ёзиш эса, яна бир бор таъкиллаймиз, китоб ўқишга, пироваданда мамлакат аҳолисининг илмини, саводи, маданиятини, маънавия ва моддий бойлигини оширишга хизмат қилади.

Бақридин ЗАРИПОВ,  
академик,  
ЎЗМУ профессори,  
Нью-Йорк фанлар  
академияси академиги,  
Жаҳон Физиологлар  
жамияти академиги.  
ЎЗА

### Санжар ЭШМУРОДОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш олимлар кенгаши ҳамда "Robokidz" роботехника мактаби ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувда Тошкент шаҳридаги ҳусусий таълим муассасаларининг 70 нафардан зиёд ўқувчиси қатнашди.



## ИККИ СОАТДА РОБОТ ТАЙЁР



Р.НАЗАРМАТОВ

билимини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонаман. Қизини ва мурасисиз баҳсларда навростларнинг компьютер билан муомала қилиши, тиришқоқлиги, муҳандислик қобилияти муҳим хусусиятлари ҳайратга қол-

дирди. Яқинда ихтисослашган "Сеҳриё" мактабидининг ўқувчилари 1-ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳам аниқланди. Барча совриндорлар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

### Роҳатой ҚОДИРОВА

## ТЕНГДОШЛАРИМИЗ ТОЖИКИСТОНДА



Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги алоқалар жадвал ривожланимоқда. Мамлакатларимиз раҳбарлари савий-ҳаракати билан икки қардош миллатни бир-биридан узоқлаштирган чегаралар очилди, асрий дўстлик ришталари қайта тикланди. Яқин кўнчилилик алоқаларининг тобора мустаҳкамланиётганидан барча мамун. Буни, айниқсан, ўзбек ва тожик ёшларининг кайфиятидан яққол кўриш мумкин.

Яқинда Ёшлар иттифоқи Бекобод шаҳар кенгашининг бир гуруҳ вакиллари Тожикистон Республикаси, Сўғд

вилояти Спитамен тумани ҳокимининг тақлифига биноан "Тожикистон ёшлар кунини" байрамни муносабати билан мазкур ҳудудда меҳмон бўлди. Мезбонлар ўзбекистонлик тенгдошларини катта кўнчили билан тантанани кўтиб олди. Кутаринки руҳда бошланган фестивал доирасида икки халқ маданияти, урф-одатлари, санъати ҳақида сўзловчи кўргазмалар, саҳна кўринишлари, бадий чиқишлар намойиш этилди. Ўзбек ва тожик ёшлари бир-бири билан самимий мулоқотда бўлиб, турли мавзуларда фикр алмашди.

## САЙЁҲЛАР ЯЙРАДИ!

Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида Қанлиқўл тумани ҳокимлиги "Ethno Karavan Saray" фестивалини ташкил этади.

Мазкур антиқа маданият тадбирига асосан сайёҳлар тақлиф қилинди. Улар тумандаги фермер ҳужайраларида бўлиб, бадиқ овлашди, от устида сайр қилди ва бошқа усуллар ёрдамида маданият ҳордиқ чиқарди.



Кун давомида модлар намойиши ҳам бўлиб ўтди. Дефиледа Республика ёшлар маркази Қоракўл поғистон бўлиминининг ҳайкалтарошиқ ва дизайн

## DUNYO BIZ HAQIMIZDA



## "THE NATIONAL INTEREST" ЭЪТИРОФ ЭТДИ

Америкадаги машҳур "The National Interest" журналида Президентимизнинг АҚШга расмий ташрифи яқунларига бағишланган мақолада чоп этилди.

Материал нуфузли эксперт-таҳлилчи, Америка ташқи сиёсати бўйича кенгаши катта вице-президенти Илан Берман томонидан тайёрланган. Унда Ўзбекистон раҳбарининг Вашингтонга келиши гоёт аҳамиятга молик ҳодиса бўлгани таъкилланди.

Муаллиф журнал ўқувчиларига 2016 йил декабрида Шавкат Мирзиёев президентлик лавозимига киришган, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган кенг қўламли ислохотлар жараёни бошланганини эслатади. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш бўйича қабул қилинган муҳим қарорлар ҳам қисқа фурсатда узининг ижобий натижаларини бериб: ўтган йили республиканинг кўшн мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди, ўзбек бизнесменлари ва хорижий компаниялар ўрта-

сида миллиардаб доллар ҳажмидаги кўп сонли шартномалар тузилди. "Шавкат Мирзиёев савий-ҳаракатлари билан Ўзбекистон ички сиёсати ҳам катта ўзгаришларга юз тутди, — деб ёзади И.Берман. — Сура органлари мустақиллигини мустаҳкамлаш, илгари ҳисобот беришдан яроқ бўлган хавфсизлик хизматлари ролинни чеклаш, жиниятчилик соҳаси, шунингдек, ижтимоий масалалар бўйича фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан жиддий қадамлар ташланади."

Таҳлилчининг эътирофи эътиҳон, Human Rights Watch, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарлиги сингари халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари билан ҳамкорлик қилиш, қолаверса, мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилган.

## ДИПЛОМАТИЯ МАКТАБИМИЗ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ажадларимизнинг дипломатия мактабига оид ноидир асарлари Туркия олимлари томонидан изчи тадқиқ этилмоқда.

Жорий йилнинг 11 январиди Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилаётгани таъкиллади. "Биз ёшларимизни қалбдан яқинлаштиришга интиляймиз", — деди ёшлар етакчиси ва сўзининг якунида Спитамен тумани ҳокими Акрон Сўлаймоновадаги илқ қабул учун миннатдорлик билдириб, Иттифоқ номидан эсдалик совғалар тақдим этиди.

Шодиёна давомида мактабиди ало баҳолашга битирган ўқувчиларга Тожикистон Республикасининг Президенти ва туман ҳокими стипендиялари тантанали равишда топширилди. Байрам концертида хушбоз хонаналар ижросидаги шўх тароналар ва болалар рақс дасталарининг чиқишлари барчага хуш кайфият улашди.

Тадбирда Анқара университети Ижтимоий фанлар институти докторанти Абдумалик Тўйчибоев илмий маърузаси билан

иштирок этиб, Сараҳсийнинг деярли минг йил олдин илгари сурган дипломатияга оид фикрлари ҳақида маълумот берди. Аллома 1010 йилда Сараҳсий шаҳрида туғилган. Кейинчалик Бухорога бориб таълим олади ва шамсуланима, яъни "Олимларнинг қуёши" деган шарафли номга сазовор бўлади.

Сараҳсий "Усул", "Мабсуд" ва "Шарҳ ас-сийяр ал-қабир" асарларини ёзган. Уларда ўз даврида ҳукм сурган халқаро ҳуқуқ қондалари, жумладан, дипломатия муносабатларига оид тартиблар чўқур таҳлил этилган. Олим элчи, аввало, ишончи бўлиши лозимлигини таъкиллади. "Сабаби, элчининг сўзи уни юборган давлат раҳбарининг сўзи каби қабул қилинади. Шундай экан, элчини танлашда ишонч масаласи ўта муҳимдир", — деб ёзади Сараҳсий.

## ЯПОНЛАР БИЛАН ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Яқинда Фуқаролар жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассисларидан иборат делегацияси аъзолари Япония парламенти, етакчи ноҳукумат ташкилотлари, олий ўқув юрталарида бўлиб, турли учрашув ва сўхбатлар ўтказди.

Вакилларимиз Цукуба университетига ташиқил этилган давра сўхбатда ҳам иштирок этиди. Мутахассислар жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўрни борасида Ўзбекистон ва Япония тажрибасини кўриб чиқди. Мухокамаларда қатнашган Цукуба университетининг Марказий Осиёни ўрганиш маркази директори, профессор Масаки Оно икки мамлакат мутахассислари ўртасида бўлиб ўтган фаол фикр алмашувлар замонвий дунёда

фуқаролик жамияти ривожланиши масаласини атрофича таҳлил этиш имконини яратганини таъкиллади. Цукуба университети профессори Акифуми Шюянинг сўзларига қараганда, япон тадқиқотчилари Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда амалга оширилатгани ислохотларни катта қизиқиш билан қўзғатиб боради. Шу босиб бугунги давра сўхбатига ўхшаш тадбирлар тадқиқотчи ва талабалар учун алоҳида аҳамият касб этиди.

"Дунё" АА материаллари асосида тайёрланди.



### БОПАНГИЗНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

Дунё аҳолисининг 2,2 миллиардини болалар ташкил этади. Уларнинг 8 миллион 800 мингдан зиёди она юртимиз — Ўзбекистонда истиқомат қилади. Болалик — бокира фасл.

Афсуски, баъзи ҳудудларда бу бегубор ҳилқат вакиллари уруш, турли тўқнашув ва зиддиятлар қурбонига айланмоқда. Маълумотларга қараганда, дунёда 250 минг нафардан зиёд бола жанг жаддалар қомига тортилган. Қурол қутарган

наврасталарнинг 40 фоизи қизлар экани янаям аянчлидир. Эртага ҳаётини ахир Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўннини нишонлайди. Шу сана муносабати билан айтар сўзимиз бор: болангизни асранг, одамлар!

### ҲАЙОТ ШОРАНАСИДА

— Ҳормани қизим!  
— Бор бўлинг, тоға.  
Сарвиноз кетмонга суюниб, оғир тин олди. Ҳормани кўтариб ўтга кетаётган Туроб тоға билан салом-алиқ қилиб, унинг ортидан қараб, уйга толди: "Шу тоға қанчалар билимдон одам. Машраб, Саъдийдан ўйлаб газалларни ёддан айтади, лекин умри далада ўтган. Наҳотки, менинг ҳам тақдирим шундай кечса?!"

Сарвиноз мактабнинг фаол, аълочи ўқувчиси эди. Лекин бунга қарамас, пешонага битгани булар экан. Ундан ёмонроқ ўқиган дугоналари олийгоҳларга кириб кетди. Амал-тақал қилиб мактабни битирган Ҳилола ҳам Тиббиёт академиясида ўқияпти... Нарвўз арафасида дугоналар йиғилиди. Илгари Сарвинознинг соясига салом берадиганлар уни менсимагандек туюлди, назарида. Талаба дугоналарини кўриб, қиз чуқур хўрсинди. Улар замонавий кийинган, юз-қўллари оппоқ, шаҳарча муомала нуқси урган. Сарвиноз-чи?! Кетмон чопган қўллари дағаллашган, юзлари қуқлам кўешида қорайган. Утган йили қизнинг омади

Насиба АБДУЛЛАЕВА

### АҲД

чопмади. Педагогика олийгоҳига ҳужжат топшириб, имтиҳондан ўта олмади. Ноумид шайтон деганларидек, ҳар кунни дарс қилади. У Ҳасан фермернинг ҳўжалигида ишлайди. Фермер жуда хасис одам. Ҳақ беришга келганда бошини қашлагани киши аламини келтиради. Майли-да, қишлоқда бошқа иш бўлмагач, наилож, уйда бекор ўтиришдан ҳудо асрасин. Иш ҳақи кам, лекин кўз юмса ношукрилик бўлар, тушмиқдаги оби ёвгон текин. Ҳар ҳолда уйдагилардан пул сўрамайди, рўзғорга оз бўлса-да улуш қўшади.

Ҳамал офтоби юз-қўллари жазилатади. Қадимгилар беқор "Баҳор кўешига келингни, кузакнига қизингни қўй", демаган-да. Сарвиноз маҳалла аёллари билан ишлайди. Уларнинг сўхбат мавзуси: бола-чақа, уй-рўзғор, таом тайёрлаш, қайнона устидан ғийбат. "Бу йил ўқишга киролмасам мен ҳам уларнинг сафига қўшила-

ман", — ўқинади қиз. Дала ишлари тугаб, ҳориб уйга қайтади. Қишлоғига кириб бораётган кўнглида аллақандай ҳисни туйди. Қадрдон қишлоқда яшашга нима етсин. "Тезроқ соғиб ол" деб мўраган сигирлар, уларга жўровоз қўйларнинг маъраши, итларнинг хуриши. Қозондаги палов зирвагининг ҳида... Ҳаммаси бошқача... Кўчада кўринган ҳамқишлоқлар: "Ҳорма, бор бўл", қилади. Уларнинг самимий муносабати қизга таскин беради. Ҳозир борса қақажон жиянлари унга осилади. Ота-она бағридан азиз макон бўлмас керак дунёда!

Уйга келса меҳмон бор экан. Негадир келиноийиси сирли назар солди. Ҳа, маъноли қараш бежиз эмас, унга нариги маҳалладаги Муҳиддиндан совчи келибди. Қизнинг асаби бузилди. Ювиниб-тараниб кечки овқатга чиқди. Отасига салом бериб, унга илтижоли мўлттиради. — Қизим, ишлаб келдингми? — Ҳа, дада, — мунгли боқди Сарвиноз. — Кўнглингни чуқиртира, қизим. Ҳўқисан, турмушга чиқиб қочиб кетмайди. Сарвиноз шу тобда дадасини кўнқоқлаб-ўпгиси, ота пойига ўзини ташлагиси келди... Китоб-дафтарларини қўлига олиб, тайёрланишга ўтирар экан: "Ҳудо хоҳласа, бу йил, албатта, ўқишга қираман!" — дея қатий аҳд қилди.



**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига асосан, ҳомиладор ҳамма ўн тўрт ёшга тўлмаган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги, иш вақтидан ташқари ҳамма дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилиш, шунингдек, хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.**

### ТОШОУНА БОШҚАЛАР НИМА ДЕРКАН?

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

Қиз талаба бўлди. "Ўқиб олим бўлар-миди", — қўл силтади одамлар. Кизгина ошқ йиғитининг изҳорини қабул қилди. "Танлаганинг шуми", — кулди одамлар. Келинчак жуфтнинг хизматига бўлди, бирон марта юзига тик қарамади. "Мунча лалмайсанг", — деди одамлар. Аёл кетма-кет фарзандларини дунёга келтирди. "Бунча кўп туғмаса",

— ачинди одамлар. Аёл ишга кирди, рўзғорга қарашиди. "Оилани унутма", — ақл ўргатади одамлар. Аёл хасталанди. "Жони қирқта, ўлмади", — ҳўки чиқарди одамлар. Аёл кўрашди, гулдек яшнади, кўзешини бирорва кўрсатмади. "Бир балоси бор", — шўбҳаланди одамлар. Аёл кексайди, ҳамманинг ризолигини олиб, омонатини топширди. Одамлар эса, яна бировни гапирарди...

### ОИЛАВИЙ СПЕКТАКЛЬ

Муҳаммадхон ЮСУПОВ,  
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

— Бир, икки, уч, тўрт, — дея битта-битта санаб конфет тўқзага бошлади кўҳликкина, аммо бир қадар маънос аёл мактаб формасидаги етти-саккиз яшар болага. — Ва беш. — Бўлақол, ўғлим! — эшик тарафдан эркак кишининг овози келди. — Қани, борақол энди, далангни кечиктирма! — деди аёл боланинг ёқасини тўзатиб қўяркан. — Вой, шошма, бўйинбоғинг-чи? Ҳозир.

Аёл дераза томонга одимлади. — Кеча ювиб қўйгандим-ку. Яна чанг қилиб келибсан-да, — куйинди аёл дераза ташқарисига ўрнатилган кир илгичга энгашиб. — Синфдошларинг сени урмадими, ишқилиб? Аёл охириги гапни болага уғририб, хавотирли оҳангда айтди. Бола индамди, бош чайқаб қўйди. Аммо юзига қандайдир хомшулик югурди. Қўлидаги беш дона конфетни қайси чўнтагига солишни ўйлаб тараддулландаркан: — Бўлақолсангиз-чи, ойи! — деди бетоқалсаниб. — Шошмай тур, ҳозир. — дея онаси ошхонага кириб кетди. — Ўғлим! — яна чақирди эркак. — Шошманман. Бошлиқ кечикса хунук бўлади. — Ҳозир, дада, — енгилшган оҳангда жавоб қилди бола ошхона тарафдан кўз узмай. У гапини тугатар-туғатмас онаси келди. — Мана, яна битта, — дея конфетни ўғаниннинг орқа чўнтагига солиб қўйди. Кейин ҳозиргина илгичдан олинган бўйинбоғни тақишга киришди. Шу пайт эшик олдада кўркам кийиниб, чарм портфель кўтарган эркак пайдо бўлди. — Мунча ҳаялхамасанг! — деди у болага қараб. — Бўлди, у тайёр, — деди аёл ва шу лаллада жиринглаб қолган телефон овозидан сесканиб кетди. — Қара-чи, балки менгайир, — деди эркак галати табассум билан. — Яна мажистамикан? — Алло, эшитаман, — жавоб берди аёл. — Ҳа, бу сизмисиз? Яхши бабарлар биланими? — деди ранги оқаринқираб. Унга қараб турган эркакнинг

### 1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

Тожикистонга мева, лавия ва шўнга ўхшаш маҳсулотларни 35-40 килограмм миқдорда олиб ўтмоқчиман. Бунинг учун лицензия олишим керакми?  
Сиз қўрсатиб ўтган фаолият тури Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинмаган. Шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, 2018 йил 6 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний шахслар томонидан боғжона чегараси орқали то-

### YOSHLIK ILHOMI

(эртак)

— Бўпти, яхши ўқиган, хўлми, — тайинлади ўғлига. — Бугун яна бошқа машина-ми? — Шундай деб айтганман! — деди эркак табассум билан. — Аҳир, бир хилик одамни зериктиради-ку! — Бола отасини машинага етиб олганига қадар кузатиб турди. Улов ўт олганини эшитгач, шивирлаб учгача санади-да, шитоб билан машина кетган тарафга югурди. Муюлишга келиб, кузата бошлади. Машина тўхтади. Эркак ундан тушиб, ҳайловчига қўллари кўксига қўйиб, астойдил миннатдорчилик билдиради. Эркак пиёда йўлда давом этди. Шу пайт ёнидан автобус ўтиб кетаётганини кўриб, орқасидан югурди. Кўтилмаганда портфели очилиб кетди ва ичидан бир хил рангдаги, ёғим, кир кийимлар ҳар томонга сочилади. У қизаринқираб нарсаларини сумкага жойлай бошлади. — Ҳей! — деган овоз отасини кузатаётган болани хўшёр торттирди. Уғририлиб қараса, боя кўча бошида турган болалар энди нариги муойишда уни кўтиб туришганди. Бола эътибор қилмай, отасини кузатишда давом этди. Автобус эшиклари ёпилганини кўрган отаси, унинг ортидан жонҳолатада югура бошлади.



### ИЛК ПАРВОЗ

— Бу бизнинг она замин, унда турли жонзотлар яшайди, — дебади она қалирғоч. Шунда пополаонларидан бири ерда юрган одамларни кўриб: — Булар ким, нега қанотлари йўқ? — деб сўрабди. — Бу одамлар, улар ер юзидаги энг онгли мавжудот. Одамлар мана бу балана иморатлари ерда ҳаракатланувчи машиналар ва ҳавода учувчи самолётларни ясаган. — Улар нима қиляпти? — сўради бошқа пополаон. — Баҳор фаслида улар ерга ишлов бериб, экин экади. Ҳозир эса, кўчат ўтказаяпти, — деди она қалирғоч. Қўшчалар бироз учгач, тўлиб-тошиб оқаётган дарё бўйига етиб келибди. Аммо бу ердаги манзаралар ҳайратланиб, онасини яна саволга тўтибди. — Булар нима, ойижон? — Бу одамлар томонидан ташланган

### MULOHAZA UCHUN MAVZU

### ҲАҚИҚИЙ "БЕШ"НИ ҲАЁТ ҚЎЯДИ

Алишер БОЙМУРОДОВ

Мактаб остонасига илк қадам қўйганим сира ёдимдан чиқмайди. Нотаниш муҳит, янги дўстлар, синф раҳбари, алифбо китоби... Яйниқса, биринчи беш байо олганда қанчалик севинганимни билсангиз эди. Худди сумкамга бутун дунё шодликларини солиб, ота-онамга қўрсатишга шошардим. Бу рағбатдан фоят руҳланиб, ўқишга қизиқишим ортган. Ёдимда, ҳар чорак якунида барча болалар қўндалгини ота-онасига оlib борарди. Эртаси кунимиз аҳо қайфиятда, бошқалар эса, қовоғини ойиб келарди. Олийгоҳда эса, муҳит умуман бошқача. Ўқув йили мобайнида иккита семестр мавжуд, йнгирига яқин фан ўқитилади, баҳолаш рейтинг тизимида олиб борилади. Семестр якунига қараб талаба кейинги олти ой ичида қанча миқдорда

чиқиндилар, — куюниб жавоб берди она қалирғоч. — Сайёрамизда бундай ҳолатларни кўп учратиш мумкин, — гапга қўшилиб пополаонларнинг отаси. — Чикиндилар учун махсус жойлар ажратилган бўлишига қарамай, одамлар уларни дарё бўйлари, уйлар атрофида ташаб кетмоқда. Одамлар онгли равишда табиатга озор етказиб, ҳавони ифлослантиряпти. Бу эса, турли жониворларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундан одамлар ҳам азият чекапти, бироқ ўзларига ҳади ҳам туғри хулоса чиқаргани йўқ. Пополаонлар бир олам таассурот билан ортга қайтар экан, мусаффо ҳавосиз табиат бир бутун бўла олмаслигини тушунди. Она сайёрага қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида ўйлай-ўйлай, уйкуга кетибди.

Муассис: Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши. Таҳрир хайъати: Камолддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангирев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").